

**Бехзад СУТТИБАЕВ**

*Тошкент давлат иқтисодиёт университети*

## **ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИНИ РАҚАМЛАШТИРИШ ВА ЯШИЛ ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИГА ЎТИШ МАСАЛАЛАРИ**

**Аннотация.** Мазкур тадқиқот давлат харидларини рақамлаштириш ва яшил давлат харидларини жорий этишнинг назарий-амалий жиҳатларини ёритади. Унда шаффофликни ошириш, рақобатни кучайтириш, бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш ҳамда барқарор иқтисодий ривожланишни таъминлаш механизмлари таҳлил қилиниб, миллий ва халқаро тажриба асосида хулосалар шакллантирилган.

**Калит сўзлар:** давлат хариди, рақамли давлат хариди, яшил давлат хариди, харид палтформалари

## **ISSUES OF DIGITALIZATION OF PUBLIC PROCUREMENT AND TRANSITION TO GREEN PUBLIC PROCUREMENT**

**Abstract.** This study examines the theoretical and practical aspects of digitalizing public procurement and implementing green public procurement mechanisms. It analyzes tools for enhancing transparency, strengthening competition, ensuring the efficient use of budget funds, and promoting sustainable economic development. Conclusions are formulated based on both national and international experience.

**Keywords:** public procurement, digital public procurement, green public procurement, procurement platforms.

### **Кириш**

Давлат бюджети харажатлари ижросида давлат харидлари тизимини самарали ташкил этиш масаласи бугунги кунда халқаро ва миллий даражада ўта долзарб ҳисобланади. Чунки давлат харидлари кўпгина мамлакатларда ялпи ички маҳсулотнинг 20 фоизигача бўлган қисмини ташкил этади ва бу маблағларнинг оқилона, шаффоф ҳамда мақсадли сарфланиши иқтисодий барқарорликка ва фаровонликка бевосита таъсир кўрсатади. Халқаро миқёсда давлат харидлари тизимини такомиллаштиришга қаратилган ислохотлар, аввало, шаффофликни таъминлаш, коррупция хавфини камайтириш ва рақобат муҳитини кучайтиришга йўналтирилган. Масалан, Жаҳон банки, Халқаро валюта жамғармаси, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти томонидан давлат молиясини бошқариш самарадорлигини ошириш бўйича ишлаб чиқилган тавсияларда харидлар тизими алоҳида йўналиш сифатида кўрсатилади. Шунингдек, Бирлашган миллатлар ташкилоти қошидаги

UNCITRAL томонидан давлат харидлари бўйича намунавий қонун ишлаб чиқилган бўлиб, у қўллаб давлатларда миллий қонунчиликни шакллантиришда методологик асос вазифасини бажаради.

Глобаллашув шароитида давлат харидлари нафақат бюджет маблағларини тежаш, балки инновацияларни рағбатлантириш, кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш, “яшил иқтисодиёт” тамойилларини жорий этиш воситасига айланмоқда. Рақамли платформалар орқали электрон харидлар тизимини йўлга қўйиш халқаро амалиётда самарали восита сифатида эътироф этилган. Электрон тендерлар орқали иштирокчилар сони ортиб, нархлар пасайиши ва бюджет маблағларининг тежалишига эришилмоқда. Шу боис давлат харидлари тизимини институционал жиҳатдан мустаҳкамлаш, мониторинг ва аудит механизмларини кучайтириш халқаро молиявий барқарорликнинг муҳим шартига айланди.

Миллий даражада, хусусан Ўзбекистонда ҳам давлат бюджети харажатлари таркибида давлат харидларининг улуши юқори бўлиб, уларни самарали бошқариш иқтисодий ислохотларнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Сўнгги йилларда давлат харидлари соҳасида қонунчилик базаси такомиллаштирилиб, электрон давлат харидлари тизими жорий этилди. Бу эса шаффофликни таъминлаш, манфаатлар тўқнашувини олдини олиш ва бюджет интизомини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Шу билан бирга, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш, импорт ўрнини босиш ва ҳудудий иқтисодий ривожланишни рағбатлантиришда ҳам давлат харидлари муҳим молиявий инструмент сифатида намоён бўлмоқда.

### **Адабиётлар шарҳи**

Давлат харидларида аниқ талаблар белгиланиши билан бирга маълум бир ихтиёрий стандартлар ҳам қўлланилиши мумкин. Бу жиҳат экологик маҳсулотлар бўйича инновацияларини рағбатлантиришда халқаро амалиётла тобора кенг қўлланилмоқда. Аммо, бунда уларнинг алоҳида ҳамда ўзаро таъсирлари инobatга олинishi лозим бўлади. Бу борада тадқиқотчилар В.Krieger, А.Rainville “давлат тендерларида ихтиёрий стандартларни қўллашнинг икки турини, яъни қатъий чегара ва мослашувчан эталон ёндашувларини фарқлаб кўрсатади ҳамда уларнинг экологик маҳсулот инновацияларига қарама-қарши таъсирларини назарий жиҳатдан асослайди. Шунингдек, 2021 йилдаги Германия инновациялар тадқиқотида иштирок этган 5127 та компания маълумотлари асосида уларнинг алоҳида ва биргаликдаги таъсири турли даражадаги экологик аҳамият кесимида илк бор миқдорий таҳлил қилган. Натижаларга кўра, давлат харидлари талаблари ва ихтиёрий стандартлар алоҳида ҳолда компанияларнинг юқори экологик

аҳамиятга эга экологик маҳсулот инновацияларини жорий этиш эҳтимолини оширади. Аммо, уларнинг ўзаро таъсири манфий натижа, яъни ўзаро тўлдирмаслик ҳолатини намоён қилади, бу эса эҳтимолан стандартларнинг қатъий тарзда қўлланилиши билан боғлиқ бўлиб, давлат харидлари талабларининг самарадорлигини камайтиради. Экологик аҳамияти паст бўлган босқичма-босқич инновациялар учун эса фақат ихтиёрий стандартлар ижобий таъсир кўрсатади. Ушбу натижалар ихтиёрий стандартлар мустақил равишда қўлланилганда босқичма-босқич инновацияларни қўллаб-қувватлаши мумкинлигини, аммо улар давлат харидлари орқали янада радикал экологик инновацияларни рағбатлантириш имкониятларини чеклаши эҳтимолини кўрсатади” [1]. Глобал миқёсда яшил иқтисодиётга ўтишда яшил харидлари аҳамияти юқорилиги боис, экологик инновациялар бўйича ҳам маълум бир стандартлар белгиланиши аҳамиятли албатта. Лекин бизнесга қўшимча имкониятлари ҳам тақдим этиш фойдадан холи эмас, деб ҳисоблаймиз.

Давлат харидларидаги самарадорлик масаласи ҳам хорижий тадқиқотчилар доимий эътиборидаги масалалардан биридир. R.Leite “2014-2018 йиллар оралиғида Бразилия федерал ҳукумати томонидан ўтказилган 939684 та харид аукционини қамраб олган кенг қамровли маълумотлар базаси асосида иқтисодий сиёсат ноаниқлиги давлат харидларининг харажат самарадорлиги билан сезиларли даражада боғлиқ эканини аниқлаган. Хусусан, ноаниқлик кўрсаткичининг бир стандарт оғишга ошиши давлат бошқаруви томонидан товарларнинг баҳоланган нархига нисбатан тўланган нархнинг 0,2 фоизга ошиши билан корреляцияда экани кузатилди. Натижалар 2024-2025 йиллар маълумотлари асосида ҳам тасдиқланган. Тендер иштирокчилари сони ўзгармасдан қолганига қарамадан, юқори иқтисодий сиёсий ноаниқлик даврларида иштирокчилар янада эҳтиёткор нарх таклифларини бергани, айниқса юқори қийматли аукционларда бу ҳолат яққол намоён бўлган. Умуман олганда, иқтисодий сиёсат ноаниқлик даражаси ўртача кўрсаткичдан бир стандарт оғишга юқори бўлган бир ой федерал ҳукуматга тахминан 6,3 миллион Бразилия реали миқдорида қўшимча харажат келтириши мумкинлиги баҳоланган” [2]. 2022 йил бошидан буён дунёда иқтисодий сиёсат ноаниқлиги давом этаётган бир вақтда давлат бюджети харажатлари ижросида давлат харидлари миқдорини аниқ белгилаш имконияти ҳам маълум даражада пасаймоқда. Чунки жаҳон иқтисодиётида таъминот занжирларининг узайиши маълум даражада қўшимча харажатларга сабаб бўлмоқда. Бу ўз навбатида бизнесда қўшимча харажатларга олиб келаётганлиги туфайли давлат харидларида нархлар ўзгаришига сабаб бўлмоқда. Қолаверса дунё миқёсида юқори инфляция, хусусан доллар инфляцияси ҳам бунга туртки бермоқда.

Давлат харидлари жараёнларида рақобатни сунъий чеклашга интилувчи картеллар фаолияти ҳам кўп учрайди. Бунда натижада бозор нархидан ортиқча харажатлар давлат бюджети зиммасига тушади. Бошқа томондан харажатлар самарадорлиги ҳам пасаяди. Бу борада ҳам маълум бир хорижий тадқиқотларга гувоҳ бўлиш мумкин. Жумладан, M.Fazekas, V.Tóth, J.Wachs, A.Abdou “2004-2021 йиллар давомида Европанинг 7 та давлатидан олинган, очиқ маълумотларга асосланган 73 та картел мисолида бир вақтнинг ўзида бир нечта картел хулқ-атворларини баҳолаган. Тадқиқотда машинали ўрганиш (machine learning) усуллари қўлланилиб, нарх шаклланиши ва тендерда иштирок этиш хулқ-атворини тавсифловчи турли индикаторлар прогноз моделига интеграция қилинган. Кўплаб индикаторларни тасодифий ўрмон (random forest) алгоритми орқали бирлаштириш натижасида 70-84 фоиз аниқликка эришилган бўлиб, турли картел турлари ва мамлакатлар кесимида тасдиқланган картеллар билан картел бўлмаган ҳолатлар ўртасидаги хулқ-атвор изларини ажратиб бериш имкони яратилган (фақат битта картел ҳолатида ўрганилганида ва синовдан ўтказилганда аниқлик 97 фоизни ташкил этган, бу илмий адабиётларда кенг учрайди). Индикаторларнинг аксарияти назарияга мос равишда прогнозга ҳисса қўшган” [3]. Ушбу натижалар давлат харидлари жараёнларида картелларни эрта аниқлаш, бу борада рақобатнинг сунъий чекланишининг олдини олиш ва рақобатни ривожлантиришга эришиш мумкин.

Давлат харидларини ташкил этишда бозор иштирокчилари яъни бизнес субъектлари билан доимий мулоқот шубҳасиз муаммоларни жойида ҳал қилишга имкон беради. Қўшимчасига буюртмачиларнинг талаблари асосида харидлар етказиб берилишига эришилади. Бу ҳақда P.Berkhout, A.Rainville, M.Janssen, K.Frenken “Тендер тайёрлаш жараёнида бозор иштирокчилари билан мулоқот давлат харидларида инновацияларни рағбатлантирувчи омил сифатида қаралади, чунки у талабни аниқ шакллантириш ва буюртмачилар ҳамда эҳтимолий етказиб берувчилар ўртасида интерактив ўрганиш жараёнини таъминлайди. Шу билан бирга, Европа Иттифоқида тендернинг дастлабки босқичларида бозор билан мулоқот нисбатан кам қўлланилаётгани аниқланган. Шу сабабли, бозор билан мулоқот инновацияларни қай даражада ва қандай механизмлар орқали рағбатлантиришини чуқурроқ тушуниш муҳим аҳамиятга эга. Тадқиқотда муаллифлар статик ва динамик, шунингдек якка тартибдаги ва гуруҳли мулоқот форматларини фарқлаб, турли форматлардан фойдаланиш ҳамда турли иштирокчиларни жалб қилиш давлат харидларида ўрганиш ва инновация жараёнларига қандай таъсир қилишини таҳлил қилади. Шунингдек тузилмавий тенгламали моделлаштириш усулидан фойдаланилиб, медиация

моделни текширилган. Унда бозор билан мулоқот етказиб берувчиларни келгусидаги имкониятлар ҳақида хабардор қилиши ва шу орқали инновацион таклифларга бевосита таъсир қилиши мумкинлиги гипотеза сифатида илгари сурилган. Шунингдек, буюртмачилар ҳам бозор билан мулоқот орқали янги билимларга эга бўлиб, тендер ва харид жараёнларини мослаштириши, бу эса инновацияларга билвосита таъсир кўрсатиши мумкинлиги ҳам назарда тутилган. Моделни баҳолаш учун 2022 йилда Европа Иттифоқининг Tender Electronics Daily тендер платформасида эълон қилинган лойиҳалар бўйича буюртмачилар орасида ўтказилган сўровнома маълумотлари (N = 1613) қўлланилган. Натижалар турли бозор билан мулоқот форматлари инновацияларга турлича ва баъзан салбий таъсир кўрсатишини аниқлади. Бу эса бозор билан мулоқот ягона универсал амалиёт эмаслиги ва ҳар доим ҳам мақбул ечим бўлмаслигини кўрсатади. Шунингдек, интерактив ўрганиш инновацияларга ижобий таъсир кўрсатиш учун асосий шарт экани аниқланган. Демак, инновацияларни рағбатлантирувчи давлат харидлари амалиёти учун буюртмачи ташкилотлар ўз мулоқотларини аниқ ўқув мақсадларига йўналтириши ва ушбу мақсадларга мос келадиган бозор билан мулоқот форматларини танлаши зарур” [4]. Умуман давлат харидлари бўйича иштирокчилар билан доимий мулоқот бозор субъектларининг кенг доирасига кириб бориш орқали соғлом рақобатни кучайтириши асосида давлат бюджети харажатлари самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

### **Тадқиқот методологияси**

Давлат харидларини рақамлаштириш ва яшил давлат харидларига ўтишга доир тадқиқотлар жараёнида илмий абстрациялаш, қиёсий таҳлил, индукция, дедукция каби усуллардан фойдаланилди.

### **Таҳлил ва натижалар**

Давлат харидлари тизимини такомиллаштиришда шубҳасиз рақамлаштириш муҳим аҳамият касб этади. Бунда инсон омили камайиши шаффофлик ва самарадорликни оширишга хизмат қилади. Айнан давлат харидларини рақамлаштириш борасидаги халқаро тажриба ва Ўзбекистон амалиёти солиштирма таҳлили қуйидагича (1-жадвал).

Электрон давлат харидлари платформаси барча тендер жараёнларини онлайн форматда ташкил этиш имконини беради. Бу тизим орқали буюртмачи ташкилотлар тендер эълон қилади, иштирокчилар ҳужжатларни электрон шаклда тақдим этади ва баҳолаш жараёни автоматлаштирилган тарзда амалга оширилади. Халқаро амалиётда Жаҳон банки давлат молиясини бошқариш самарадорлигини оширишда e-procurement тизимини асосий инструмент

сифатида тавсия этади. Электрон формат инсон омилини қисқартиради, манфаатлар тўқнашувини чеклайди ва тендер жараёнини тезлаштиради.

1-жадвал

**Давлат харидларини рақамлаштириш борасидаги халқаро тажриба ва Ўзбекистон амалиёти солиштирма таҳлили**

№	Йўналиш	Мазмуни	Халқаро тажриба	Ўзбекистондаги ҳолат	Кутилган самара
1	Электрон тендер платформаси	Барча тендер жараёнларини онлайн тарзда ўтказиш	Жаҳон банки тавсиялари асосида кўплаб давлатларда e-procurement жорий қилинган	Ягона электрон давлат харидлари портали орқали амалга оширилади	Шаффофлик ошади, инсон омили камаяди
2	Очиқ маълумотлар базаси	Шартнома, ғолиб ва сумма ҳақида очиқ ахборот	Birlashgan Millatlar Tashkiloti стандартлари асосида очиқ бюджет амалиёти	Давлат харидлари маълумотлари очиқ порталларда жойлаштирилмоқда	Коррупция хавфи камаяди
3	Электрон ҳужжат айланмаси	Шартнома ва ҳисоб-фактураларни рақамли тасдиқлаш	UNCITRAL намунавий қонунлари электрон имзони тан олади	Электрон рақамли имзо қўлланилмоқда	Вақт ва харажат тежалади
4	Автоматлаштирилган мониторинг	Харид жараёнларини онлайн назорат қилиш	Риск-индикаторлар асосида автоматик таҳлил тизими	Назорат органлари томонидан электрон таҳлил жорий этилган	Бюджет интизоми мустаҳкамланади
5	Рақобат муҳитини кенгайтириш	Кичик бизнес учун онлайн иштирок имконияти	Европа давлатларида SME учун рақамли тендер қулайликлари	Кичик бизнес субъектлари электрон танловларда иштирок этмоқда	Рақобат ошади, нархлар пасаяди
6	Интеграциялашган молиявий тизим	Бюджет, ғазначилик ва харид тизимини боғлаш	Давлат молиясини бошқариш ахборот тизимлари	Ғазначилик тизими билан интеграция жараёни кучайтирилмоқда	Маблағлар ҳаракати шаффофлашади

*Муаллиф томонидан тузилган.*

Давлат харидлари бўйича шартномалар, ғолиб ташкилотлар, нархлар ва молиялаштириш манбалари ҳақидаги маълумотларни очик эълон қилиш жамоатчилик назоратини кучайтиради. Бирлашган миллатлар ташкилоти очик бюджет тамойилларини илгари суриб, давлат молиясида шаффофликни таъминлашни муҳим шарт сифатида белгилайди. Очик маълумотлар портали орқали тадқиқотчилар, журналистлар ва фуқаролик жамияти институтлари таҳлил ўтказиш имкониятига эга бўлади. Бу эса коррупция хавфини камайтиради ва ҳисобдорликни оширади.

Шартнома тузиш, ҳисоб-фактура юбориш ва қабул қилиш жараёнларини электрон шаклга ўтказиш вақт ва харажатларни тежайди. UNCITRAL томонидан ишлаб чиқилган намунавий қонунларда электрон имзо ва электрон шартномаларнинг ҳуқуқий кучга эгаллиги белгилаб қўйилган. Электрон рақамли имзо орқали ҳужжатларни тасдиқлаш уларнинг хавфсизлиги ва асслигини таъминлайди. Натижада қўғозбозлик камаяди ва операция харажатлари қисқаради.

Рақамли тизимлар орқали харид жараёнлари автоматик таҳлил қилинади. Риск-индикаторлар асосида шубҳали тендерлар аниқланади ва назорат органларига сигнал берилади. Бу ёндашув бюджет маблағларини талон-торож қилиш хавфини барвақт аниқлашга ёрдам беради. Автоматлаштирилган мониторинг инсон омилига боғлиқ субъектив қарорларни камайтиради ва самарали назорат механизмини шакллантиради.

Рақамли платформалар орқали кичик ва ўрта бизнес субъектлари давлат харидларида фаол иштирок этиши мумкин. Географик чекловлар бартараф этилади, ҳужжат топшириш соддалашади ва тендер жараёни очик бўлади. Натижада иштирокчилар сони ортиб, рақобат кучаяди ва давлат бюджети учун мақбул нархлар шаклланади.

Давлат харидлари тизимини ғазначилик ва бюджет ижроси ахборот тизимлари билан интеграция қилиш маблағлар ҳаракатини реал вақт режимида кузатиш имконини беради. Бу давлат молиясини бошқариш тизимининг яхлитлигини таъминлайди, молиявий интизомни мустаҳкамлайди ва харажатларни режалаштириш сифатини оширади.

Қолаверса глобал миқёсда яшил давлат харидларини кенгайтириб бориш ҳам давлат харидларида муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Яшил давлат харидлари – бу давлат маблағлари ҳисобига амалга ошириладиган харидларда экологик барқарорлик, энергия самарадорлиги ва ресурсларни тежаш мезонларини устувор қўйишни англатади. Бу тизим нафақат атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, балки узоқ муддатли иқтисодий тежамкорликни таъминлашга ҳам хизмат қилади. Бу борадаги таҳлиллар куйидагича (2-жадвал).

**Яшил давлат харидлари бўйича халқаро тажриба ва миллий даражада амалга ошириш йўналишлари<sup>1</sup>**

№	Йўналиш	Мазмуни	Халқаро тажриба	Миллий даражада амалга ошириш	Кутилган натижа
1	Норматив-ҳуқуқий база	Экологик мезонларни харид қоидаларига киритиш	Европа комиссияси Green Public Procurement мезонлари	Давлат харидлари конунчилигига экологик талаблар киритиш	Экологик масъулият кучаяди
2	Экологик мезонлар	Энергия тежамкор, кам чиқиндиларни маҳсулотларни танлаш	БМТ барқарор ривожланиш мақсадлари	Тендер ҳужжатларида “яшил” талабларни белгилаш	Атроф-муҳитга салбий таъсир камади
3	Энергия самарадорлиги	Кам энергия сарфлайдиган техника ва инфратузилма	Халқаро энергия агентлиги тавсиялари	Давлат муассасаларида энергия самарадор ускуналар хариди	Электр харажатлари камади
4	Ҳаётий цикл таҳлили (LCC)	Маҳсулотни бутун хизмат муддати бўйича баҳолаш	Европа Иттифоқида ҳаёт цикли харажатлари ёндашуви	Танловда фақат арзон нарх эмас, узок муддатли харажат ҳисобга олинади	Узоқ муддатли тежамкорлик
5	Қайта тикланувчи ресурслар	Қайта ишланадиган ёки экологик тоза хом ашё	ИХТТ давлат харидлари бўйича стандартлари	Маҳаллий “яшил” ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш	Яшил иқтисодиёт ривожланади
6	Рақамли мониторинг	Экологик талабларга риоя этилишини онлайн кузатиш	ESG ҳисобот тизимлари амалиёти	Электрон платформада экологик индикаторлар жорий этиш	Назорат шаффофлиги ошади
7	Кадрлар салоҳияти	Мутахассисларни экологик харид бўйича ўқитиш	Халқаро тренинг дастурлари	Давлат харидлари ходимларини қайта тайёрлаш	Самарали қарор қабул қилиш

*Муаллиф томонидан тузилган.*

“Мамлакатда яшил давлат харидлари бўйича аниқ мақсадларнинг белгиланиши, бизнес субъектларининг ривожланиш стратегияларини ҳам қайта кўриб чиқишларини тақозо қилади. Бунда бизнес ҳам истиқболда яшил ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш кўламини кенгайтиришни бозор талаби асосида қайта кўриб чиқади. Натижада яшил бизнес, яшил харид, яшил бюджет, яшил молия, яшил иқтисодиётнинг ўзаро узвий ҳолда ривожланишига замин

<sup>1</sup> Муаллиф томонидан тузилган.

яратилади. Ва бундан бутун инсоният ҳаёти яхшиланишини кутсак бўлади” [5]. Ҳақиқатдан ҳам яшил молия тизимида яшил харидлар нуктаи назаридан мақсадли кўрсаткичлар комплекс тараққиётни жадаллаштиради.

### **Хулоса ва таклифлар**

Давлат харидларини рақамлаштириш ва яшил давлат харидларини ривожлантиришга доир тадқиқотлар асосида қуйидаги хулосалар шакллантирилди:

1. Электрон тендер платформалари, очиқ маълумотлар базаси ва автоматлаштирилган мониторинг тизимлари инсон омилини камайтиради ҳамда коррупция хавфини қисқартиради. Халқаро молиявий институтлар, жумладан Жаҳон банки давлат молиясини бошқариш самарадорлигини оширишда рақамли харид тизимини стратегик инструмент сифатида баҳолайди. Демак, рақамлаштириш бюджет маблағларидан оқилона фойдаланишнинг асосий шarti ҳисобланади.

2. Маълумотларнинг очиқ эълон қилиниши кичик ва ўрта бизнес субъектларининг тендерларда иштирокини кенгайтиради. Бу рақобатни оширади, нархларни пасайтиради ва давлат бюджети учун молиявий тежамкорликни таъминлайди. Натижада харидлар бозорида тенг имкониятлар шаклланади.

3. Экологик мезонларни тендер талабларига киритиш атроф-муҳитни муҳофаза қилиш билан бирга, энергия тежамкор ва ресурсларни самарали ишлатувчи технологияларни рағбатлантиради. Бирлашган миллатлар ташкилотининг барқарор ривожланиш тамойиллари доирасида яшил харидлар экологик ва ижтимоий масъулиятни кучайтириш воситаси сифатида қаралади.

4. Фақат энг паст нархга эмас, балки маҳсулотнинг бутун хизмат муддати давомидаги харажатларига эътибор қаратиш бюджет харажатларини стратегик режалаштириш имконини беради. Бу ёндашув давлат молиясида қисқа муддатли эмас, балки барқарор молиявий сиёсатни шакллантиради.

5. Рақамли ва яшил харидлар механизмлари давлат молиясини бошқариш тизимини модернизация қилади, инновацияларни рағбатлантиради ва миллий иқтисодиёт тармоқларини қўллаб-қувватлайди. Шу боис давлат харидлари тизимини такомиллаштириш бюджет сиёсатининг устувор стратегик йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. В.Krieger, A.Rainville. The effects of public procurement requirements and voluntary standards on environmental product innovation. // [Research Policy](#). [Volume 55, Issue 3](#), April 2026.

2. R.Leite. The public cost of economic policy uncertainty: Evidence from brazilian public procurements. [Finance Research Letters](#). [Volume 86, Part D](#), December 2025
3. M.Fazekas, B.Tóth, J.Wachs, A.Abdou. Public procurement cartels: A large-sample testing of screens using machine learning. // *International Journal of Industrial Organization*. Volume 104, January 2026.
4. P.Berkhout, A.Rainville, M.Janssen, K.Frenken. Does market engagement in public procurement foster innovation? Results from a Pan-European survey. // *Research Policy*. Volume 55, Issue 1, January 2026.
5. Elmirezayev S., Eshmatov A. Yashil davlat xaridlarini rivojlantirish istiqbollari. // Yashil iqtisodiyotga o'tish sharoitida O'zbekiston bank-moliya tizimini rivojlantirishning dolzarb masalalari. Xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya. Toshkent, 2025. – B. 15-18.